

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

309 Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2139

(2010 йил 14 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1292-сонли қарорига асосланиб **буйраман:**

1. Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

Б. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 26 август,
7-ю/б-сон

Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигининг 2010 йил 26 августдаги
7-ю/б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод»
фондига ажратмаларни тўлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1292-сон қарорига мувофиқ ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги

«Ижод» фондига босма махсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма махсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумлардан 2 фоизли ажратмалар (кейинги ўринларда мажбурий ажратмалар деб аталади) тўлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1292-сон қарорига мувофиқ ноширлик ва матбаа корхоналарининг (кейинги ўринларда ажратма тўловчилар деб аталади) босма махсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма махсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг 2 фоизи миқдоридagi мажбурий ажратмалар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фонди (кейинги ўринларда Фонд деб аталади) маблағларини шакллантириш манбаларидан бири этиб белгиланган.

2. Ноширлик корхонаси деганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва ноширлик фаолияти учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар тушунилади.

3. Матбаа корхоналари деб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан гувоҳнома олган ва Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органларида ҳисобга қўйилган юридик шахслар тушунилади.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги янги ёки қайта ташкил этилган ноширлик ва матбаа корхоналарига тегишлигича лицензия ва гувоҳнома берилган (ёки бекор қилинган) вақтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ушбу корхоналар юзасидан маълумотларни Фондга тақдим этади.

II. Мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш

5. Мажбурий ажратмалар суммаси ажратма тўловчилар томонидан мустақил равишда, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, босма махсулотларини реализация қилишдан, шунингдек, босма махсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушумнинг 2 фоизи миқдоридa ҳисоблаб чиқарилади.

6. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база Фондга ўтказилadиган мажбурий ажратмалар суммасига камайтирилади (шартли мисол 1-иловада келтирилган).

7. Ажратма тўловчилар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат

солиқ хизмати органларига ва Фондга йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, ҳисобланган мажбурий ажратмалар тўғрисидаги маълумотларни ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ ўсиб борувчи яқун билан тақдим этиб боради.

8. Фондга мажбурий ажратмаларни тўлаш ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

9. Мажбурий ажратмаларни тўлаш муддати бузилиши тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун (тўлов куни ҳам шунга киради) Фонд ҳисобига 0,05 фоиз микдорда пеня ҳисобланишига сабаб бўлади.

10. Фондга ортиқча тўланган мажбурий ажратмалар суммаси мазкур мажбурий ажратмалар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олинади ёки Фонд маблағларидан ажратма тўловчининг ёзма аризаси асосида, Фонд томонидан ариза берилган санадан эътиборан 30 иш куни ичида ажратма тўловчининг банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш орқали қайтарилади.

Ортиқча тўланган мажбурий ажратмалар суммаси бошқа ажратма тўловчиларнинг қарзини узиш ҳисобига ҳисобга олиниши мумкин эмас.

III. Яқуний қоидалар

11. Фонд ҳисоб рақамига маблағларнинг тўлиқ тушиши устидан назорат Фонднинг ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

12. Фондга келиб тушган мажбурий ажратмаларнинг ҳисоби ва ҳисоботи юритилиши ҳамда мақсадли ишлатилиши учун Фонднинг ижро этувчи дирекцияси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

13. Мажбурий ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши ва ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари тўғри қўлланилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

14. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фонди ижро этувчи дирекцияси билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2010 йил 23 август

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2010 йил 23 август

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2010 йил 23 август

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ҳузуридаги «Ижод» фонди
ижро этувчи директори*

Ў. ЖЎРАЕВ

2010 йил 23 август

Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги
«Ижод» фондига ажратмаларни тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Солиқ солинадиган базани Фондга ўтказиладиган
ажратмалар суммасига камайтирилишига доир
ШАРТЛИ МИСОЛ**

Ягона солиқ тўловчи юридик шахснинг матбаа фаолиятдан тушуми:
январь ойида 10 000 минг сўмни;
февраль ойида 8 000 минг сўмни;
март ойида 6 000 минг сўмни ташкил этган.

Жами биринчи чоракда ушбу фаолият туридан тушган тушум 24 000 минг сўм ҳисобланган.

Юқоридаги тушумдан Фондга қўйидагича ажратмалар ҳисобланади:

Январь ойида — 200 минг сўмни;

Февраль ойида — 160 минг сўмни;

Март ойида — 120 минг сўмни ташкил этган.

Жами биринчи чорак учун Фондга 480 минг сўм ажратмалар ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлган юридик шахс давлат солиқ хизмати органларига ҳисоб-китобларни тақдим этишда солиқ солинадиган база 480 минг сўмга камайтиради, яъни ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг «солиқ солинадиган ялпи тушумни камайтириш» 0502-сатрида ҳисобга олинади.

Худди шундай тартиб умумбелгиланган тартибда солиқ (фойда солиғи) тўловчи юридик шахсларга ҳам қўлланилади. Улар (ягона солиқ тўлови тўловчилардан фарқли равишда) солиқ ҳисоботи шаклларини тўлдиришда:

бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқаришда соф тушум суммасини камайтириб ҳисоблайди;

фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда «Ижод» фондига ўтказилган ажратмалар суммаси чегириладиган харажатларга олиб боради.

Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги
«Ижод» фондига ажратмаларни тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ҳузуридаги Ижод фондига**

нусхаси: _____ **ВИЛОЯТ,**
_____ **ТУМАН ДАВЛАТ СОЛИҚ**
ИНСПЕКЦИЯСИГА

Ажратма тўловчининг маълумотлари:

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Тўлиқ номи _____

Жойлашган манзили _____

Фаолият кўрсатиш жойи _____

Почта манзили _____

Телефон коди:

--	--	--	--	--	--

 рақами:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

**Босма маҳсулотларни реализация қилишдан, шунингдек, босма
маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ
тахрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган
тушумлар бўйича ҳисобланган ажратмалар тўғрисида**

20__ йил __ чорак учун

МАЪЛУМОТЛАР

(ўсиб борувчи яқун билан тўлдирилади)

№	Тааллуқли номланиши	Сатр коди	Сумма (сўм)
1.	Босма маҳсулотларни реализация қилишдан, шунингдек босма маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ тахрир, матбаа ва ноширлик хизматлари кўрсатишдан тушган тушум	010	х
	ҳисобот чорагининг биринчи оғи учун	011	
	ҳисобот чорагининг иккинчи оғи учун	012	
	ҳисобот чорагининг учинчи оғи учун	013	
2.	Ажратма миқдори %	020	2%
3.	Мажбурий ажратмаларнинг ҳисобланган суммаси	030	х
	ҳисобот чорагининг биринчи оғи учун (011-сатр х 020-сатр) / 100%	031	
	ҳисобот чорагининг иккинчи оғи учун (012-сатр х 020-сатр) / 100%	032	
	ҳисобот чорагининг учинчи оғи учун (013-сатр х 020-сатр) / 100%	033	

Раҳбар _____ (Ф.И.О) _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (Ф.И.О) _____ (имзо)

М.ў.